2015 ЙИЛ 27 МАРТ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 75 (12.888)

Баҳоси эркин нархда

Сайлов — 2015

ДМИТРИЙ МЕЗЕНЦЕВ:

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЎЗ МАВҚЕИНИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА МУСТАҲКАМЛАМОҚДА»

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Дмитрий Мезенцев раҳбарлигидаги ШҲТ кузатувчилари миссияси мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида миссия вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирди.

Учрашувда барча тадбирлар сайлов тўғрисидаги миллий қонунчилигимизга мувофиқ равишда белгиланган муддатларда ўтказилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар кузатувчилари иштирокида очиқ ва ошкора олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти ва улар номидан иш юритаётган ишончли вакилларнинг фаолияти якунланмоқда. Номзодларга оммавий ахборот воситалари имкониятларидан, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш ва сайловолди ташвиқотининг бошқа шакл ҳамда усулларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқлар берилган.

ШҲТ Бош котиби Дмитрий Мезенцев ШҲТ кузатувчилари миссияси таркибига ташкилотга аъзо давлатлардан 10 киши киритилганини маълум қилди. Миссия аъзолари ўз фаолиятини бетарафлик, холислик тамойилларига таяниб, мустақил олиб бормоқда ҳамда шахсий кузатувлар ва аниқ материалларга асосланиб сайлов ҳақидаги хулосаларини чиқаради.

– Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган ушбу сайловни сиёсий тизимни такомиллаштиришнинг муҳим босқичи ва муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий фаолият намойиши сифатида баҳолаймиз, – дейди Д.Мезенцев. – Президент сайлови – Ўзбекистон келажагини белгилаб берадиган муҳим воқеадир. Биз бу келажак порлоқ бўлишини истаймиз. Бугунги кунда Ўзбекистон халқаро майдонда ўз мавқеини йилдан-йилга мустаҳкамлаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мамлакатингизга тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

СЕРГЕЙ ЛЕБЕДЕВ:

«ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ЮКСАК ДЕМОКРАТИК ТАЛАБЛАР АСОСИДА ЎТАДИ»

МДҲ кузатувчилари миссияси Ўзбекистонда 12 мартдан буён сайлов кампаниясини кузатиб бормоқда. Марказий сайлов комиссиясида миссия раҳбари, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури изчил амалга оширилаётгани хусусида сўзлаб берди. Учрашувда сайлов комиссиялари фаолияти фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун барча зарур шароитлар яратишга йўналтирилгани таъкидланди.

Сайловолди ташвиқоти сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш имкониятидан фойдаланмоқда. Марказий ва ҳудудий теле ҳамда радиоканаллар, матбуот нашрлари номзодлар ва ишончли вакилларнинг сайловчилар билан учрашувларини кенг ёритмоқда.

Учрашувда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар кузатувчиларининг иштирок этиши сайловнинг адолатлилик ва ошкоралик принципларига риоя этади. Ўзбекистонда сайлов юксак демократик талаблар асосида ўтишига хизмат қилиши қайд этилди.

Сергей Лебедев миссия таркибида Озарбойжон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ҳамда МДҲ Ижроия қўмитасидан 72 нафар кузатувчи борлигини таъкидлади. Улар сайловни баҳолашда катта тажрибага эга марказий сайлов комиссиялари раҳбар ва аъзолари, парламент ва ҳукумат аъзолари, дипломатлар, сиёсий партиялар вакилларидир.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш имкониятини мамлакатингиз томонидан бизга билдирилган юксак ишонч сифатида баҳолаймиз, – дейди С.Лебедев. – Кузатувчиларимиз сайлов участкалари фаолияти билан танишмоқда, уларга барча зарур ахборот тақдим этилмоқда. Ҳамма жойда бизни қўллаб-қувватлаб, фаолиятимизга ёрдам кўрсатилмоқда. Миссия холислик, халқаро ва миллий қонунчиликка ҳурмат ҳамда уларга амал қилиш принципларига риоя этади. Ўзбекистонда сайлов юксак демократик талаблар асосида ўтишига ишонамиз.

САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРИШ — КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига саноқли кунлар қолди. Ушбу муҳим сиёсий тадбирга мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаро қизғин тайёргарлик кўраётгани сайлов участкаларидаги шарт-шароитларда, халқимизнинг аъло кайфиятида яққол намоён бўлмоқда.

Бу аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошгани, одамларда юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси кучайганидан далолатдир. Қолаверса, фуқароларга давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиш учун барча қонуний кафолатлар амалда тўлиқ таъминланаётгани бунга кенг йўл очди.

Бугун ҳар бир киши сайловда шахсан иштирок этишга интилаётгани, унинг овози мамлакатимиз келажаги учун аҳамиятга эга эканини чуқур англаётгани сайлов куни яшаш жойида бўлмайдиган фуқароларнинг муддатидан олдин овоз беришга етдик. Бугун сайловда овоз беришни ёшу қари ўзи дилдан истайди. Зеро, сайловда овоз бериш катта шараф, юксак масъулиятдир. Ўн саккиз ёшга тўлган набираларим сайловда қатнашаман, деб хурсанд бўлаётганидан қувонаман. Демак, улар Ватанини яхши кўради, унинг келажагига бефарқ эмас. Сайлов куни фарзандларим, набираларимга бош бўлиб сайлов участкасига бориб овоз бераман, деб кўнглимга туккандим. Аммо турмуш ўртоғим Марзияхон билан Умра зиёратига сафаримиз шу кунларга тўғри келди. Шукрки, биз кабиларга муддатидан олдин овоз бериш имконияти яратилган. Биз ўзимиз танлаган муносиб номзодга овоз бердик.

Хондамир маҳалласида жойлашган 9-сайлов участкасида сайловчилар учун зарур имкониятлар яратилган. Фуқароларнинг яширин овоз бериши учун кабиналар тайёрланган. Сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган ва сайлов қутилари ўрнатилган. Сайловчиларнинг рўйхати тўлиқ шакллантирилиб, 3,5 мингдан ортиқ таклифнома тарқатилган.

Мазкур тумандаги 2-сайлов участкасида ҳам сайловга юксак ҳозирлик кўрилганини кузатиш мумкин. Бу ерда хорижга хизмат сафарига отланган бир гуруҳ тадбиркорлар муддатидан олдин овоз беришди.

– Ўзбекистонимизни улкан имкониятлар мамлакати, десак арзийди, – дейди Боғи Чинор маҳалласида яшовчи тадбиркор Усмонали Умаралиев. – Зеро, ҳар соҳада эркинлик таъминланиб, ҳуқуқий ҳимоя тизими мустаҳкамлаб қўйилган. Айниқса, биз тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишимиз, янги-янги марраларни эгаллашимиз учун кенг имкониятлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидан кейин тадбиркорлик янада равнақ топади, ҳаётимиз янада фаровонлашади, деб ишонаман. Мен ҳам муносиб номзодга овоз бердим.

(ЎзА мухбирлари)

ошиқаётганида ҳам намоён бўлаётир. Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида бунинг учун барча ҳуқуқий асослар мустаҳкамлаб қўйилган. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз истиқомат жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, Президентликка номзодлар хусусида қарорга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга солган ҳолда участка комиссиясига топшириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо чекади.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида олтмишдан ортиқ сайлов участкаси тузилган бўлиб, уларнинг барчасида сайловни юқори савияда ўтказиш учун зарур шарт-шароит яратилган. Айни пайтда сайлов участкаларининг кўпчилигида муддатидан олдин овоз бериш жараёни давом этмоқда.

– Саксон баҳорни қаршиладим, – дейди Учтепа тумани Хондамир маҳалласида яшовчи Ҳамидулла Салоҳиддинов. – Биз турли сайловларни кўрганмиз. Бир пайтлар сайловга қатнашишга ё мажбур қилишарди, ё озиқ-овқат, совға-салом тарқатиб одамларни гўё жалб қилишарди. Фақат истиқлол туфайли ҳақиқий демократик сайлов нима эканини тушуниб

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ЭР КИШИ ВАТАН УЧУН ТУҒИЛАДИ

Тошкент ҳарбий округидаги ҳарбий қисмлардан бирида аскарларнинг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда ҳарбийлар, уларнинг ота-оналари ва яқинлари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани, ҳарбий қисм ва таълим муассасаларида аскарлар учун барча зарур шароит яратилгани алоҳида таъкидланди.

– Бизнинг давримиздаги аскарлик билан ҳозирги муддатли ҳарбий хизмат ўртасида катта фарқ бор, – дейди наманганлик Р.Одилов. – Кўпчилик армия деса, бир қадам нари қочарди. Бугунчи, бугун?! Фарзандларимиз ҳарбий хизматга боришни шараф деб билади. Нега шундай? Шу ва бошқа саволларга набирам Достоннинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимида қатнашиб, аскарлар учун яратилган қулайликлар билан танишиб тўла жавоб олдим. Бундай шароитларда кимнинг ҳам хизмат қилгиси келмайди, дейсиз?!

– Фарзандимиз Тулусбекни февраль ойида муддатли ҳарбий хизматга катта хурсандчилик билан кузатиб қўйган эдик, – дейди Қашқадарё вилоятидан келган Муқаддам Тешаева. – Ахир, армия йигит кишига келажакда жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун мустаҳкам замин, ҳаётда учраши мумкин бўлган қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтиши учун эса бақувват бағишлайди-да!

Ота-оналарнинг бу каби фикрларида ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш нафақат конституциявий бурч, балки юксак шоншараф ишига, мард, жасур ўғлонларимизнинг ҳақиқий ҳаёт мактабига айлангани ўз ифодасини топган.

– Эр киши Ватан учун туғилади, дейишади. Бугун Ватанимиз мадҳияси, сафдош дўстларимнинг мардонавор оҳангдаги қасамёдини тинглар эканман, бу фикрнинг моҳиятини янада теран англадим, – дейди оддий аскар Тулусбек Шодиев. – Қалбимда аллақандай олижаноб туйғулар жўш ургандек бўлди. Ўзимни ҳаммадан кучли ҳис этдим. Ҳарбий қасамёд қабул қилиш навбати менга келганида, кўзларим қасамёд матнига эмас, қаршимдаги кўк гумбаз устида оҳиста ҳилпираётган байроғимизга қадалди...

Тадбир якунида ҳарбий қисм аскарларининг жисмоний ва жанговар тайёргарлик бўйича намойиш этган кўргазмали чиқишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Б.ҲИДОЯТОВ,
ЎзА мухбири
Оқил Ғуломов олган сурат

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоий вилоятининг Кармана тумани «Каловот» маҳалла фуқаролар йиғини янги бинода иш бошлади. Бу ерда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида маиший хизмат устахоналари ҳам бунёд этилди.

● Урганчда Хоразм вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» деб номланган фестиваль бўлиб ўтди.

● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Саломатлик» поезди шифокорлари Навоий вилоятида саломатлик кунларини ўтказмоқда.

● Ўзига хос мураккаб иқлим шароитида 94 минг 700 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган қорақалпоғистонлик пахтакорлар чигит экишни бошлади. Шу муносабат билан Элликқалъа тумани Гулдурсин овулидаги «Ворис уру» фермер хўжалигида ўтказилган кўргазмали семинарда мутахассислар, фермерлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари раҳбарлари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Буюк Британиянинг нуфузли тиббиёт журналида чоп этилган тадқиқотда айтилишича, табиатнинг ифлосланиши инсульт хасталигининг кўпайишига олиб келар экан. Олимларнинг сўзларига қараганда, кўпроқ паст ва ўрта даромад даражасига эга мамлакатларда ҳатто ифлосланишнинг озгина ошиши ҳам инсультлар сонининг кескин кўпайишига сабаб бўлган. Британия олимларининг таъкидлашларича, гарчи ривожланган мамлакатларда экологик ҳолат яхшироқ бўлса ҳам ушбу хасталикка чалиниш хатари мавжудлигича қолаверади.

● Америкадаги илмий-тадқиқот марказларидан бирининг мутахассислари инсон организмининг турли инфекцияларга қарши курашишига ёрдам берувчи муҳим илмий хулосани тақдим этишди. Яъни, олимлар ош тузи устида олиб борган изланишлар давомида унинг ўзига хос хусусиятига гувоҳ бўлишди. Белгиланган шарт-шароитда зарур миқдорда истеъмол қилинган туз турли касалликларни келтириб чиқарувчи инфекцияларга қарши курашда кучли антибиотиклардан кам таъсир кўрсатмас экан.

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ







«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, фуқаролар Президент сайловини тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширади. Ҳар бир фуқаро ўзи истаган номзодга овоз бериш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси ўзининг ҳал қилувчи палласига кирган вақтда Президентликка номзодлар ўз Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни сайловчиларга етказиш мақсадида сайловолди ташвиқоти тадбирларини фаол олиб бордилар.

Хусусан, **Ўзбекистон Халқ демократик партияси** Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ҳам Президент сайловига пухта ҳозирлик кўрилди. Партиянинг туман ва шаҳар Кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари сайлов кампанияси даврида аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориб, сайловчиларда ўз сайлов ҳуқуқидан онгли ва масъулият билан фойдаланишга интилишни шакллантиришга ҳаракат қилдилар. 18 февралдан бошлаб шаҳримизнинг барча туманларида сайловолди ташвиқоти доирасида сайловчилар билан учрашувлар ташкил этилди, улар оммавий ахборот воситаларида, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий ва ҳудудий телеканалларидаги информацион дастурларда фаол ёритилди. Бундай тарғибот-ташвиқот ишларининг самарали ташкил этилишида партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши қошида тузилган сайлов штаби муҳим ўрин тутди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда қонунчилигимизга мувофиқ, сайловчилар билан учрашувлар ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришнинг турли-туман шаклларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун тенг ҳуқуқ ҳамда шароитлар яратилган. Сайлов кампанияси пайтида мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий сайлов тизимини демократлаштиришга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий асослар ва шарт-шароитлар яратилганлиги яққол намоён бўлмоқда. Бинобарин, сайлов халқнинг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришнинг олий ифодасидир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши қошида ташкил этилган сайлов штаби Президент сайловига тайёргарлик юзасидан қизғин фаолият олиб борди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА







Мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Президент сайловига ҳам саноқли кунлар қолди. Мазкур сайловда барча сиёсий партиялардан номзодлар кўрсатилган ва улар қизғин тарғибот фаолиятини амалга оширишди.

Жумладан, **Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси** Тошкент шаҳар Кенгаши ҳам ушбу муҳим жараёнда фаол иштирок этди. Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби пойтахтимизнинг барча туманларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказилиб, партиядан кўрсатилган номзоднинг Сайловолди дастури кенг тарғиб қилинди. Сайлов кампаниясининг энг муҳим босқичи — сайловолди ташвиқоти уюшқоқлик билан ўтказилиб, партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари кенг жамоатчилик ўртасида тушунтирилиб, тарғибот ишлари олиб борилди.

Бинобарин, партиянинг шаҳар Кенгаши қошида ташкил этилган сайлов штаби сайловолди ташвиқотини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунларда белгиланган тартибда олиб борди. Яъни сайловолди ташвиқотини сайловчилар билан учрашувлар ва йиғилишлар ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, номзоднинг таржимаи ҳоли ҳамда Сайловолди дастури акс этган рисола ва плакатлар ҳамда бошқа тарқатма материаллар ёрдамида амалга оширди.

Сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ҳозирги кунда ушбу жараённинг фаол иштирокчисига айланган. Бинобарин, номзоднинг ишончли вакилларининг сайловчилар билан учрашувлари оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилиб, кенг ёритилди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси теле ва радиоканалларида, шунингдек, ҳудудий телевидение ва радиоканалларда сайловчилар билан учрашувлар эфирга узатилиб, номзоднинг Сайловолди дастурига оид ташвиқот роликлари намойиш этилди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши юрт равнақи йўлида муҳим қадам бўлган Президент сайловини фаоллик ва кўтаринкиликда ўтказишга муносиб ҳозирлик кўрди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ







Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланиши билан аҳамиятли бўлиб, ҳар бир сиёсий партия сайлов кампаниясида фаол иштирок этмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ҳам сайловга пухта тараддуд кўрилди. Республикамизнинг барча ҳудудларидаги каби шаҳримизнинг ҳар бир туманида сайловолди ташвиқоти доирасида партиядан кўрсатилган номзод ва унинг ишончли вакиллари билан сайловчиларнинг учрашувлари ташкил этилди, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Бу жараёнда номзоднинг таржимаи ҳоли ва Сайловолди дастури ҳақида сайловчиларга батафсил маълумот берилиб, дастур юзасидан уларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди, аҳолининг турли қатламлари вакилларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар қайтарилди.

Таъкидлаш жоизки, сайлов кампаниясини ташкиллаштириш ва ўтказиш юзасидан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши қошида сайлов штаби тузилиб, замонавий техника воситалари ва сайловга оид қўлланмалар билан таъминланди. Штабларда тузилган тарғибот гуруҳлари ҳам сайлов кампаниясини ўтказиш ва тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишда фаол иштирок этди.

Партиядан кўрсатилган номзоднинг ҳаёти ва Сайловолди дастури билан сайловчиларни яқиндан таништириш мақсадида республика ва маҳаллий газеталарда чиқишлар қилинди, шу тўғрида тайёрланган китобчалар тарқатилди, баннерлар ўрнатилди.

Учрашув ва йиғилишларда сайловчилар партиядан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлашга даъват этилди. Ҳар бир сайлов участкасига қонунчилик меъёрлари асосида кузатувчилар бириктирилди.

Мухтасар қилиб айтганда, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан сайловга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ МУКАММАЛЛАШТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ







Бугунги кунда юртимиздаги барча сиёсий партиялар фаолиятида тарихий жараёнлар кечмоқда. Мамлакат Президентини сайлашдек катта ижтимоий-сиёсий воқеада қатнашиш ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлганидек, сайлов ҳар қандай сиёсий партия фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутади.

Шундан келиб чиққан ҳолда **Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан** Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад-вазифаларни кенг тарғиб қилиш, партиянинг барча даражадаги ташкилотлари иштирокида сайловолди ташвиқотини юқори савияда ташкил этишга қаратилган ишлар фаол олиб борилди. Партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши қошида ташкил этилган сайлов штаби сайловга оид барча ҳуқуқий ҳужжатлар, қўлланмалар, партия дастурий ғоялари ва номзоднинг тарғибот материаллари ҳамда замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган бўлиб, сайловолди ташвиқотини олиб боришда барча шарт-шароитлар яратилди. Оммавий ахборот воситалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилгани ҳолда номзод ва унинг ишончли вакиллари билан сайловчиларнинг учрашувлари ўтказилди. Сайлов штабида фуқароларнинг қабули учун барча шароитлар яратилиб, уларнинг саволларига ўз вақтида жавоб қайтарилиб, маълумотлар берилди. Уларнинг сиёсий билим ва тажрибалари оширилди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши 29 мартда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳар томонлама муносиб тайёргарлик кўрди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

Сайлов — 2015

ЎзА мухбирлари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун юртимизга келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан суҳбатлашди.

Янг БО, халқаро кузатувчи (Хитой):

– Ўзбекистонда демократиянинг қадимий институти – маҳалла жуда пухта шаклланган. Маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги роли тобора ошиб бораётгани, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилаётгани диққатга сазовор.

Ўзбекистонда демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини кафолатлайдиган миллий сайлов тизими яратилган.

Тошкентдаги кўплаб сайлов участкаларида бўлиб бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Хусусан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 2-академик лицейда очилган сайлов участкасидаги тайёргарлик ишлари билан танишдик. Шуни айтиш жоизки, участкаларда сайловни самарали ўтказиш, фуқароларнинг эркин овоз бериши учун барча шароит яратилган.

Майкл БРОДИ, Америка университетининг Атроф-муҳит фанлари факультети адъюнкт-профессори (АҚШ):

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида кузатувчи сифатида иштирок этаётганимдан мамнунман. Мамлакатингизда фуқароларнинг сайловда қатнашиши учун барча шарт-шароит ва ҳуқуқий асос яратилган.

Мамлакатингизнинг экология соҳаси мутахассислари билан мулоқотда бўлиб, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконига эга бўлдим. Таълим, атроф-муҳит муҳофазасига қаратилаётган эътибор диққатга сазовор.

Ўзбекистон – гўзал ва мафтункор мамлакат. Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларни

Сўз – халқаро кузатувчиларга

ГЎЗАЛ ВА МАФТУНКОР МАМЛАКАТ

томоша қилиб, қадимий ва бой маданиятингиз, миллий урф-одатларингиз билан танишиб, Ўзбекистонга мафтун бўлиб қолдим. Халқингиз неча асрлик обидаларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётгани ғоят қувонарли ва ўрганишга арзийди.

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида ёшлар симфоник оркестри ва истеъдодли ёш опера ижрочилари иштирокидаги «Баҳор симфонияси» концерти бизга жуда манзур бўлди. Миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланаётган бу ёшлар ривожланган мамлакатларни эъзозлаш йили, деб эълон қилинганини эшитиб, жуда тўлқинландим. Шу биргина омил мисолида мамлакатингизда барча ислоҳотлар инсон манфаатлари учун хизмат қилиши яққол намоён бўлмоқда. Жорий йилнинг шундай номланиши, бу борада махсус Давлат дастури қабул қилингани Ўзбекистонда кексаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилаётганидан, уларнинг ҳаёти, эҳтиёжлари, саломатлиги давлатингизнинг доимий эътиборида эканидан далолат беради.

Президент сайлови ҳар бир мамлакат ҳаётидаги жуда муҳим воқеадир. Мамлакатингизда ўтадиган ана шундай зарур сиёсий жараённи халқаро кузатувчи сифатида бевосита кузатиш ва унинг натижаларини холис баҳолаш мен учун катта шараф ва улкан масъулиятдир.

Салеҳ ал-СААДИ, «Бин Салем» холдинг компаниясининг ташқи савдо-иқтисодий сектори раҳбари (БАА):

– Ўзбекистон иқтисодиёти жуда тез ва изчил тараққий этмоқда. Босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида иқтисодиётнинг барча тармоқларида барқарор ўсиш суръатларига эришилмоқда. Бу аҳоли турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратаётганини ҳар жабҳада кўриш мумкин.

Ўзбекистон муқобил энергетика соҳасида ҳам улкан салоҳиятга эга. Мамлакатингиз иқлими қуёш энергиясидан фойдаланишда жуда қўл келади. Шу боис ўзбекистонлик мутахассислар билан қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш, энергия тежайдиган замонавий технологиялар жорий этиш бўйича фаол ҳамкорлик қилиш ниятидамиз. Айни пайтда Хоразмда қуёш электр станциясини барпо этиш лойиҳаси устида иш олиб бормоқдамиз.

Сайлов ҳар бир мамлакат ҳаётидаги сиёсий воқеа. Шундай муҳим воқеликда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этишни ўзим учун катта шараф, деб биламан.

Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди

КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

Мамлакатимиз аҳолисининг дунёқараши, онгу тафаккури ўзгариб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги тобора ортиб бораётгани яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини уюшқоқлик билан ўтказишда муҳим аҳамият касб этади. Юртимиз аҳолисининг салмоқли қисмини ташкил этадиган ёшлар жамиятдаги ўзгаришлар, демократик ислоҳотларнинг бевосита иштирокчиси ҳисобланади. Эътиборлиси, улар сайловда иштирок этиш орқали ўз фуқаролик позициясини, юрт келажаги учун ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга эканликларини теран англаб етмоқдалар. Биз Президент сайловида биринчи марта иштирок этадиган ёшлар билан суҳбатлашиб шунга амин бўлдик.

Зулхумор БОБОЕВА,
Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали қошидаги ихтисослаштирилган академик лицей ўқувчиси:

— Озод ва обод Ватанимнинг бахти кулган фарзандиман. Орзуларим бир олам. Олий ўқув юртига киришни, ўз соҳамнинг етук мутахассиси бўлишни ният қиламан. Ўқиш ва ўрганиш, билим чўққилари сари қийинчиликлардан чўчимай олға қадам ташласам албатта уларга эришаман. Бунинг учун биз ёшларга давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилган. Мен шу йилнинг 29 мартида бўлиб ўтадиган Президент сайловида илк бор қатнашаман ва давлатимиз раҳбарини сайлашдек масъулиятли жараёнда ўз овозимни бераман. Мен ушбу кунни кучли ҳаяжон билан кутмоқдаман.

Шу мақсадда сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларнинг Сайловолди дастури билан танишиб бордим. Чунки ҳар бир сайловчи она Ватан ободлиги, юрт келажаги ва қолаверса, ўзининг келгусидаги бахтли ҳаёти учун овоз бериши керак.

Ишонаманки, менинг тенгдошларим ҳам юрт тақдирига ўзини дахлдор деб ҳис этган ҳолда энг муносиб номзодга овоз беришни хоҳлайдилар. Биз ёшларнинг сайловда қатнашиш ҳуқуқимиз қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Биз албатта унга риоя этиб, ўзимизнинг фуқаролик бурчимизни масъулият билан адо этамиз.

Сардор СОДИҚОВ,
Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи ўқувчиси:

— Айни кунларда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик якунига етмоқда. Мен ҳам биринчи марта Президент сайловида иштирок этиб, эртанги кунимизнинг бугунда бахтли ва фаровон бўлишига ҳисса қўша оладиган муносиб номзод учун овоз бераман.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, сайлов умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгалар.

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигимизни янада ошириш учун таълим даргоҳимизда ўтказилган туркум семинарларда биз юқоридаги каби керакли маълумотларга эга бўлдик. Номзодларнинг Сайловолди дастурлари билан танишдик.

Бу йил коллежни битираман ва ўз соҳам бўйича фаолиятимни бошламоқчиман. Юртимга муносиб фарзанд, ўз касбининг етук устаси ва келажакда бахтли бир оиланинг соҳиби бўлишни ният қиламан. Мен Президент сайловида мана шу мақсадларимни амалга оширишда шарт-шароитларни яратиб бера оладиган, юксак тараққиёт учун замин яратишга қодир номзод учун овоз бераман.

Диёра ТЎРАЕВА,
Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти талабаси:

— Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини очиқ ва адолатли сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сайловларда албатта инсонлар фикрларининг хилма-хиллиги ва орзу-умидлари намоён бўлади. Орзулари бир олам бўлган инсонлар ичида мен ҳам борман. Келажакда мамлакатимизда яратиб берилган шарт-шароитлар ва катта эътибор самарасидан унумли фойдаланган ҳолда, оқ халатига муносиб, қўли енгил шифокор бўлишни мақсад қилганман. Юртимизда бугун ниҳоятда муҳим бир жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида турибмиз. Мен ҳам Президент сайловида биринчи марта овоз бераман. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг Сайловолди дастури ва сайловолди ташвиқотини кузатиб бордим.

Хулосам шундай бўлдики, сайланадиган Президент халқ дарди билан яшайдиган, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, узоқни кўра оладиган, жасоратли ва албатта, элу юрт манфаатларини ҳар нарсадан устун қўя оладиган инсон бўлиши керак. 29 март куни бўлиб ўтадиган сайловда эртанги кун учун чуқур масъулият билан ўзим муносиб деб билган номзодга овоз бераман.

Шаҳризода МУҲСИМОВА
ёзиб олди



Мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига саноқли кунлар қолди. Ушбу муҳим тадбирга тайёргарлик ишлари якунланиб, ҳудудлардаги барча сайлов участкалари овоз беришга тахт қилиб қўйилди.

САЙЛОВГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛДИ

Юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси миллий қонунчилигимиз ва халқаро меъёрларга мувофиқ равишда ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи шаҳримиздаги 654 та сайлов участкалари овоз беришга тўлиқ тайёр ҳолатда. Фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар сайлов округида муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ сайлов куни турли сабабларга кўра овоз бериш имкониятига эга бўлмаган сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз бериш жараёни давом этмоқда.

Овоз беришни юксак савияда ташкил қилишда участка сайлов комиссиялари аъзолари зиммасига катта масъулият юкланади. Шундан келиб чиққан ҳолда участка сайлов комиссияларига таркибига аввалги сайловларни ўтказишда фаол қатнашиб, тажриба орттирган, обрў-эътиборли, эл ҳурматини қозонган ва сайлов қонунчилигидан хабардор фуқаролар жалб этилган. Бу эса сайловнинг адолатли ўтказилишида, унда барча фуқаролар иштирокини таъминлаш, уларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларини тўла-тўкис амалга оширишларида муҳим роль ўйнайди.

— Миробод туманидаги 166-сайлов участкамизда бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун ҳамма нарса тахт, — дейди мазкур участка сайлов комиссияси раиси Яйра Мирзаахмадий. — Бугунга қадар фуқароларни сайловга оид қонунларнинг мазмун-моҳияти, сайловни ўтказиш тартиби ва бошқа меъёрлар билан таништирдик. Шу билан бирга уларни қизиқтирган саволларга жавоб бердик.

Ҳудудда яшовчи сайловчилар рўйхати тўлиқ шакллантирилиб, унга сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда ушбу сайлов участкаси ҳудудида доимий ва вақтинчалик истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари киритилди. Сайлов участкамизда «Салор» маҳалласида истиқомат қилувчи 3155 нафар фуқаро ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, юртимиз тараққиёти ва обод келажагимиз учун овоз беради. Сайловчилардан 10 нафари биринчи марта овоз берадиган ёшлардир.

